


IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA

Maxsus son.2022

*Journal of Irrigation
and Melioration*



Бош муҳаррир:

Султанов Тахиржон Закирович

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти”

миллий тадқиқот университети

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор

Илмий муҳаррир:

Салоҳиддинов Абдулхаким Темирхўжаевич

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти”

миллий тадқиқот университети

Халқаро ҳамкорлик бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор

Муҳаррир:

Ходжаев Сайдакрам Сайдалиевич

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти”

миллий тадқиқот университети доценти, техника фанлари номзоди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ ТАРКИБИ:

Мирзаев Б.С., техника фанлари доктори, профессор, “ТИҚҲММИ” МТУ ректори; **Хамраев Ш.Р.**, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири; **Ишанов Х.Х.**, техника фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси; **Салимов О.У.**, техника фанлари доктори, ЎзРФА академиги; **Мирсаидов М.**, техника фанлари доктори, ЎзРФА академиги; **Хамидов М.Х.**, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, “ТИҚҲММИ” МТУ профессори; **Бакиев М.Р.**, техника фанлари доктори, “ТИҚҲММИ” МТУ профессори; **Рамазанов О.Р.**, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, “ТИҚҲММИ” МТУ профессори; **Исаков А.Ж.**, техника фанлари доктори, “ТИҚҲММИ” МТУ профессори; **Арифжанов А.М.**, техника фанлари доктори, “ТИҚҲММИ” МТУ профессори; **Маткаримов П.Ж.**, техника фанлари доктори, НМТИ профессори; **Икрамов Р.К.**, техника фанлари доктори, ИСМИТИ профессори; **Шеров А.Г.**, техника фанлари доктори, “ТИҚҲММИ” МТУ профессори; **Умаров С.Р.**, иқтисод фанлари доктори, “ТИҚҲММИ” МТУ профессори; **Исмаилова З.**, педагогика фанлари доктори, “ТИҚҲММИ” МТУ профессори; **Султанов Б.**, “ТИҚҲММИ” МТУ профессори; **Абдуллаев Б.Д.**, “ТИҚҲММИ” МТУ профессори; **Каримов Б.К.**, “ТИҚҲММИ” МТУ профессори; **Худойбердиев Т.С.**, техника фанлари доктори, Андқҳай профессори; **Янгиев А.А.**, техника фанлари доктори, “ТИҚҲММИ” МТУ профессори.

ТАҲРИР КЕНГАШИ ТАРКИБИ:

Ватин Николай Иванович, т.ф.д., Буюк Пётр Санкт-Петербург политехникауниверситети профессори; **Иванов Юрий Григорьевич**, т.ф.д., К.А. Тимирязев номидаги МҚҲА – Россия давлат аграр университети профессори, А.Н.Костяков номидаги Мелиорация, сув хўжалиги ва курилиш институти директори в.б.; **Козлов Дмитрий Вячеславович**, т.ф.д., Москва давлат курилиш университети профессори, Гидротехника ва Гидроэнергетика курилиши факультетининг “Гидравлика ва Гидротехника курилиши” кафедраси мудири; **Lubos Jurik**, associate professor at “Department of Water Resources and Environmental Engineering” of Slovak University of Agriculture in Nitra; **Коваленко Петр Иванович**, т.ф.д., Украина қишлоқ хўжалиги фанлари Миллий академияси аспирантуси, Мелиорация ва сув ресурслари илмий-тадқиқот институти директор маслаҳатчиси, профессор; **Ханов Нартмир Владимирович**, профессор, К.А.Тимирязев номидаги МҚҲА – Россия давлат аграр университетининг “Гидротехника иншоатлари” кафедраси мудири; **Krishna Chandra Prasad Sah**, PhD, M.E., B.E. (Civil Engineering), M.A. (Sociology) Irrigation and Water Resources Specialist. Director: Chandra Engineering Consultants, Mills Area, Janakpur, Nepal; **Айнабеков Алпысбай**

Иманкулович – т.ф.д., М.Ауезов номидаги Жанубий-Қозогистон давлат университетининг “Механика ва машинасозлик” кафедраси профессори. **Элдишиар Диилатов** – PhD, Миллий Фанлар Академияси Геология институтида тадқиқотчи олим, Кирғизистон. **Гисела Домеж** – Милан-Бикокка университети, Ер ва атроф-мухит фанлари кафедраси профессори, Италия. **Молдамуратов Жангазы Нуржанович** – PhD, М.Х.Дулати номидаги Тараз минтақавий университети, “Материаллар ишлаб чиқариш ва курилиш” кафедраси мудири, доцент, Қозогистон. **Муминов Абулкосим Оманкулович** – география фанлари номзоди, Тожикистан Миллий университети Физика факультети метеорология ва иқлимишунослик кафедраси катта ўқитувчиси. Тожикистан.

Мирзохонова Ситора Олтибоевна – техника фанлари номзоди, Физика факультети метеорология ва иқлимишунослик кафедраси катта ўқитувчиси. Тожикистан Миллий Университети. Тожикистан. **Исмаил Мондиал** – Калкutta университети Хорижий докторантура факультети профессори, Хиндистан. **Исанова Гулнура Толегеновна** – PhD, У.У. Успанов номидаги Тупроқшунослик ва Агрокимё ИТИ “Тупроқ экологияси” кафедраси доценти, етакчи илмий ходим, Қозогистон. **Комиссаров Михаил** – PhD, Уфа Биология институти, Тупроқшунослик лабораторияси катта илмий ходими, Россия. **Аяд М. Фадхил Ал-Кураиши** – PhD, Тишк халқаро университети, Мұхандислик факультети, Фуқаролик мұхандислиги бўлими профессори, Ирек. **Үндракш-Од Баатар** – Марказий Осиё Тупроқшунослик жамияти раҳбари, профессор, Монголия.

Муассис: “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти” МТУ.

Манзилимиз: 100000, Тошкент ш., Кори-Ниёзий, 39. <https://uzjournals.edu.uz/tiame/> E-mail: i_m_jurnal@tiame.uz

«Irrigatsiya va Melioratsiya» журнали илмий-амалий, аграр-иктисодий соҳага ихтисослашган.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2015 йил 4 марта 0845-рәқам билан рўйхатга олинган.

Обуна индекси: 1285.

Дизайнер: Маликова Мадинахон



Журнал «SILVER STAR PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-үй. Буюртма №3. Адади 400 нусха.

УЎТ: 004.4

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

М.Жўраева, Г.Эшчанова – доцентлар,

“Ташкент ирригация ва қишилоқ ҳўжалигини механизациялаш мұхандислари институты” миллий тадқиқот университети

Аннотация

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол этиб тарбиялашда уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни ўзлаштиришда, ёшларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини, истеъдодларини ривожлантиришда педагогларнинг роли бекиёсdir.

Ёшларда комиллик сифатларини шакллантиришда мулоқот маданиятини ривожлантириш-жамиятимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб, бунда фуқароларни, айниқса, ёшларни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш масаласининг долзарблиги, халқларнинг миллий ўзлигини англашнинг юксалиши, жамиятнинг ижтимоий ҳаётида, ижтимоий институтларнинг фаолият йўналишлари ва кўламларидағи ислоҳотлар билан тавсифланади.

Таянч сўзлар: шакллантириш, мулоқот маданияти, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ақлий ва жисмоний қобилиятлар, истеъдод, миллатлараро тотувлик, жамиятнинг ижтимоий ҳаёти.

ПРЕИМУЩЕСТВА ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ВОСПИТАНИЯ МОЛОДЕЖИ

М.Жўраева, Г.Эшчанова – доценты,

Национальный исследовательский университет “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”

Аннотация

Процесс обучения и воспитания состоит в подготовке подрастающего поколения к жизни на основе социального заказа, отражающего требования общества. В усвоении молодежью знаний, правил приличия, обычая, культуры и трудовых навыков, достижения достойного места в обществе на основе жизненного опыта, формировании её потенциала и мировоззрения и формирования коммуникативного компетентности в процессе обучения и воспитания молодежи огромное значение приобретает личность учителя, её профессиональное мастерство. Вместе с тем, формирование у учащейся молодежи способностей, необходимых для решения новых проблем и задач и для формирования у молодежи любви к родине, высокой нравственности, национального самосознания в условиях глобализации, нравственных качеств, стремления к нравственному совершенству учитель должен быть нравственно совершенен.

Ключевые слова: формирование, коммуникативный компетентность, национальные и общечеловеческие традиции, правил приличия, обычая, культуры и трудовых навыков, толерантность, национального самосознания в условиях глобализации.

ADVANTAGES OF COMMUNICATIVE COMPETENCE DEVELOPMENT IN UPBRINGING YOUNG PEOPLE

M.Jurayeva, G.Eshchanova – associate professors,

National Research University “Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers”

Abstract

The process of the training of highly qualified, educated, good breeding specialists is the main task of every teacher. Full development of a personality in the modern society means not only professional knowledge and skills for people entering a global life, but a development of their creative abilities for intellectual and moral existence in the social society where they ought to live and work. Putting such a task and variations of its solving on the examples of great thinkers is a purpose of this article.

Key words: training of highly qualified, educated, good breeding specialists, a personality, modern society, professional knowledge, skills, a global life, creative abilities, intellectual and moral existence, great thinkers.



Кириш. Ёш авлоднинг шахс ва субъект сифатида шаклланиши, ақлий ривожланиши, тарбияланганлик даражасини аниқламасдан туриб, ўрта маҳсус ва олий таълим жараёни самарадорлигини ошириш мумкин эмас [1].

Хозирги глобаллашув даврида давлатлар ва халқлар ўртасида ҳар томонлама муносабатларнинг шиддатли тарзда ривожланиши, яъни ҳамкорлик алоқаларининг кенг ўйла кўйилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг жадаллашуви турли хил тузумга хос бўлган мамлакатлар ҳамда халқлар ўртасида мулоқот маданиятини ривожланти-

ришни тақазо этади. Ушбу жараёнда ўсиб-улғаётган, таълим ва тарбия олаётган ёшларимизни маънавий етук, комил инсон этиб тарбиялаш-ҳар бир ота-онанинг, устоз ва муаллимларнинг асосий вазифалариридир. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар юксак маънавиятили, комил инсонни вояга етказиши йўлидаги асосий қонун ва қоидалар мажмуасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг ижтимоий йўналишида амалга оширилайдиган муҳим тадбирлар қаторида олий таълим муассасаси-

лари учун педагогларнинг янги авлодини шакллантириш, маънавий-аҳлоқий жиҳатдан етук, мустақил дунёқарашга эга ижодий фикрловчи, бой миллий мерос, шунингдек, умуминсоний ва миллий қадриятларга садоқатли баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказиш вазифалари белгиланган [2].

Ёшларда комиллик сифатларини шакллантиришда мулоқот маданиятини ривожлантириш-жамиятимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб, бунда фуқароларни, айниқса, ёшларни миллиатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш масаласининг долзарблиги, халқларнинг миллий ўзлигини англашнинг юксалиши, жамиятнинг ижтимоий ҳаётида, ижтимоий институтларнинг фаолият йўналишлари ва кўламларидаги ислоҳотлар билан тавсифланади.

Глобаллашув ва интеграциялашув жараёнида кўп тармоқли информациялар оқимиининг таъсир кучи ва доираси кенгайиб бораётган бугунги кунда улардан тўғри фойдаланиш, яъни мулоқот воситасидан фойдаланиш масалалари ўта муҳим масалалар сирасига киради. Мамлакатимиз ҳаётида рўй берәётган жараёнлар кўп қиррали бўлганилиги боис, унинг салбий жиҳатлари жамиятнинг жадал суръатларда ривожланишида, шунингдек, кишиларнинг миллий-маданий даврияси такомиллашувига жиддий тарзда салбий таъсир этиши мумкин. Кишиларнинг миллий-маданий давриясининг пастлиги(ёки унинг умуман ўйқлиги) бошқа миллиатга муросасизлик, унинг маданияти ва урф-одатлари билан муроса қилмаслик ҳолатларини келтириб чиқаради.

Инсоният яралиши, унинг тараққиёти ва инсоннинг шахс сифатида шаклланишида инсонлараро ўзаро мулоқот катта аҳамиятга эга бўлиб, инсоннинг ҳаёт йўли давомидаги аҳлоқий, ақлий, эстетик ва экологик тарбияси жамият тараққиётида катта ўрин эгаллайди. Инсон фаолияти моддий ва маънавий, ижтимоий ва сиёсий муҳитнинг ўзаро алоқаси жараёнида шаклланиб боради. Фаолият бўлмас экан, жамиятда ҳам ривожланиш бўлмайди. Жамият эса кишиларнинг фаолиятини фақаттина уларнинг хулқ-атворига қараб белгилайди. Бажарилган ишлар, хатти-ҳаракатларгина ички кечинмалар, ўй-халлар ва бошқа ҳис-туйғулар ҳақида фикр ўйғотади. “Ҳар бир кишида ва унинг юриш-туришида ҳар доим ўзингни кўришинг мумкин” [3].

Инсоннинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи унинг одоб-аҳлоқида, ўзаро мулоқотида акс этади. Бу ҳақда француз ёзувчиси Стендалнинг фикрини келтириш мумкин: “Гапириша билиш – талантдир”, деган бўлса, шу ўринда донишмандлардан Софокл: “Кўй гапириш билан кўп фикр айтиш бошқа-бошқа нарса”, дейди [4].

Дарҳақиқат, донишмандлар айтганидек, инсонларнинг ўзаро сұхбатлашиши, мулоқоти асрлар давомида мулоқот маданияти деган тушунчага асос солган. Ота-боболаримиз яшаган даврлардан то ҳозирги кунга қадар мулоқот маданиятининг шаклланиши, ривожланиши жамиятнинг ўша даврдаги мавқеини белгилайди. Ҳар вақтда ва ҳар ерда инсонларнинг ўзаро мулоқот маданияти инсонни шахс сифатида шаклланишида унинг атрофидаги бошқа кишилар билан мулоқотисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мулоқот инсонларнинг биргалиқдаги фаолиятлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқадиган турли фаолликлари мобайнида бир-бирлари билан ўзаро муносабатларга киришиш жараёни бўлиб, бунда инсонлар бир-бирларига турли хил маълумотлар беришади ҳамда фикр алмашишади. Шу сабабли инсоннинг ҳаётида, яшаб турган жами-

ятда тутган ўрни, мавқеи унинг инсонлар билан ўзаро муносабат ва муомала маданияти, уларни феъл-атвори, хулқи, одоб-аҳлоқи ва тарбиясининг амалий ҳаётдаги на-моёни бўлиб, аввало унинг атрофидагилар билан бўлган муомала ва муносабатида кўзга ташланади. Муомала жараёнида сұхбатдошига нисбатан хурмат-эътиборда бўлиши, шахсиятига салбий таъсир этадиган фикр-мулоҳаза билдириласлиги, аксинча сұхбатдошининг кайфиятини кўтариши, унинг ўз кучига ишонч ҳосил қилишида рагбатлантирувчи фикрлар бериши лозим.

Муомала маданиятининг асосий қуроли-бу сўздир, яъни нутқ маданиятидир. Бинобарин, нутқ ва унда ифодаланган сўз инсонга салбий ёки ижобий таъсир этиши мумкин. Инсон ўз фикрини ифода этишида сўзнинг баён этилиши катта аҳамият касб этади. Француз ёзувчиси Б.Паскаль таъкидлашича: “Фикр ифода этилаётган сўзлар туфайли ўзгаради”. Шу сингари Н.Буало айтганидек: “Ким равшан фикрласа, у равшан баён этади” [5].

Мулоқот маданияти нафақат инсонлараро муносабатда эмас, балки шу билан биргаликда жамият ҳаётига ҳам дахлдорлигини инобатга олсан, инсон феъл-атворини ўрганиш, инсонлар орасида меҳр-оқибатни, хурмат-эътиборни тарғиб этиш ҳар бир кишининг, айниқса ёш авлодга таълим-тарбия берәётган педагогларнинг ҳаётида энг маъсулиятли вазифасидир. Инсонларнинг инсон сифатида шаклланиб жамоа бўлиб яшаган қадим замонлардан то ҳозирги фан-техника жадал суръатларда ривожланиб бораётган бир даврда ҳам асосий диққат-эътибордаги масала саналади.

Ҳар бир ўқитувчи, педагог ва мураббийнинг асосий вазифаси-хукуматимиз томонидан ёшлар тарбиясига, дунё стандартлари талабига жавоб берадиган билимга эга бўлган ёшларга ҳар томонлама таълим ва тарбия беришдан иборатdir. Тарбия қийин иш ва тарбия шарт-шароитларини яхшилаш – ҳар қандай кишининг ҳам мукаддас бурчларидан биридир, зеро ўзини ва теварак-атрофидагиларни масъулиятли қилишдан ҳам кўра муҳимроқ иш йўқ. Таълим ва тарбияда аҳлоқий софлик, маънавий бойлик, жисмоний баркамоллик ўйғунлашиб кетмоги зарур [6].

Аввало, ёшларни комил, етук инсон этиб тарбиялашда тарбиячининг ўзи ҳар томонлама чукур билимга, педагогик тажрибага эга бўлиши зарур, уларни, яъни ёшларни илгор педагогик технологиялар асосида мустақил фикрлашга ўргатиши лозим.

Тарбия биргина мақсад-маълумотли кадрларни этишириш билангина чекланиб қолмаслиги керак. Ижтимоий ҳаётда ҳам давом этадиган тарбия шахснинг ижодий қобилиятларини, иқтидорини, унинг ғайрат ва ташаббускорлигини оширишга имкон берувчи, комилликка етакловчи барча воситалар ёрдамида олиб борилмоғи зарур. Яхши тарбияли инсон, албатта ўзгалар билан бўлган мулоқотига кўра белгиланади. Биз педагогларнинг асосий вазифамиз – ёшларга фақатгина билим бериш эмас, балки уларнинг шарқона, миллийлигимизга мос бўлган мулоқот маданиятини ҳам шакллантиришdir.

Бола билан ота-она, бола билан бола, ота-она ва қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, меҳнат жамоаси, қоловерса мамлакатлараро, яъни давлатлараро муносабатлар негизида ҳамиша мулоқот маданияти ётади. Ҳар бир инсоннинг мулоқот маданиятига тўлаконли эга бўлиши кундаклик ҳаётидаги эҳтиёжларидан бири саналади. Бунгунги кунда жамиятимиз моддий-иктисодий ҳаётида туб таркибий ўзгаришларни рўй берәётгандиги билан биргалиқда маънавий соҳада кишилар ўртасидаги алоқаларда,

савдо-сотик, илмий-техника ва маданий ҳамкорликларни йўлга қўйишдаги айрим масалаларни ҳал этишда инсонлар бир-бирлари билан мулоқот маданиятига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Фарб мамлакатларидан фарқли ўлароқ, Шарқда кишиларнинг одоб-ахлоқига катта аҳамият берилган. Болалар, ёшлар тарбиясида чиройли хулқ, одоб ўргатилиган. Айниқса, исломий одоб туфайли инсонлар юксак камолотга эришган. Шарқона одоб-ахлоқимиз болани етти жиҳатдан тарбиялашни маслаҳат беради. Булар-соғлиқ, бадан тарбияси, ақлий тарбия, гўззалик тарбияси, ахлоқий тарбия, виждоний-нафсий тарбия ва диний-рухий тарбиядир. Мулоқот маданияти эса ахлоқий тарбия сирасига киради.

“Баркамол авлод тарбиялаш инсониятнинг энг ёрқин орзузи бўлиб келган. Бироқ дунё ҳалқарининг барчаси ҳам бу ҳақда ўйлайвермаган. Бундай орзудаги инсонлар азалий маърифатга, маданиятга мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари-энг мўътабар зиёлилари, хукмдорлари хисобланганлар. Ота-она ва фарзанд, устозу-шогирд ўртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром бўлади”[7].

Мулоқот-ҳаракат, туйғу, фикр-мулоҳаза, ички кечинмаларни ўзгалар билан ўртоқлашиш бўлиб, шахс фазилатларини, шахс сифатидаги энг яхши қирраларини на-моён этувчи ижод намунасиdir.

Хулоса. Юкорида келтириб ўтилган фикрларни куйидагича хулосалаш лозим: биринчидан, глобаллашув ва интеграциялашув жараёнида кўп тармоқли информациялар оқимининг таъсир кучи ва доираси кенгайиб бора-

ётган бугунги кунда улардан тўғри фойдаланиш;

иккинчидан, инсон фаолияти моддий ва маънавий, ижтимоий ва сиёсий муҳитнинг ўзаро алоқаси жараёнида шаклланиб боради. Жамият эса кишиларнинг фаолиятини фақатгина уларнинг хулқ-атворига қараб белгилайди;

учинчидан, муомала маданиятининг асосий куроли-бу сўздир, яъни нутқ маданиятидир. Бинобарин, нутқ ва унда ифодаланган сўз инсонга салбий ёки ижобий таъсир этиши мумкин. Ҳар вақтда ва ҳар ерда инсонларнинг ўзаро мулоқот маданияти инсонни шахс сифатида шаклланишида унинг атрофидаги бошқа кишилар билан мулоқотисиз тасаввур қилиб бўлмайди;

тўртингчидан, ҳар бир ўқитувчи, педагог ва мураббийнинг асосий вазифаси-хукуматимиз томонидан ёшлар тарбиясига, дунё стандартлари талабига жавоб бераоладиган билимга эга бўлган ёшларга ҳар томонлама таълим ва тарбия беришдан иборатдир.

Бугунги кунда ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ёшларни билимли, маданиятли, меҳнатсевар, ташабbusкор, изланувчан этиб тарбиялашда ҳаёт тажрибасига эга, турмушнинг аччик-чучугини кўрган, қийинчиликларга тобланган ёши улуғлар, фахрийлар, шу билан бирга, тарбиячилар, муаллимлар, устозларнинг роли каттадир. Ёшлар тарбияси, уларнинг мулоқот маданиятини ривожлантириш бугунги кунда ҳар биримизнинг асосий вазифамиз бўлиб, унга бурч ва масъулият нуқтаи-назаридан ёндошишимиз лозим.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Тошкент, 2017, 7 февраль
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарори. – Тошкент, 2017, 20 апрель
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзузи. – Тошкент: Шарқ, 1998.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2010.
5. Тафаккур гулшани. – Тошкент, Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
6. Жўраева М.У. Ёшларда мулоқот маданиятини ривожлантириш – комиллик асосларидан бири // "Таълим муаммолари" журнали. – Тошкент, 2011. – №1. – Б. 31-33.
7. Жўраева М.У. Принципы создания системы коммуникативного обучения иноязычной культуре // Педагогические науки" науч. метод. журнал. – Москва, 2011. – №4. – С. 56-59.
8. Жўраева М.У. Мулоқот маданиятининг шахс шаклланишидаги ўрни. Формирование гармонично развитого поколения в современных условиях. Сборник научно-методических статей. – Ташкент, 2010. – Часть II. – С. 51-55.
9. Трехлер, С. Ж. ва Суведи, М. (2016). Қишлоқ хўжалигини бошланғич фанларни ўқитиш учун контекст сифатида қабул қилиш: Мичиган штатининг Санилак округидаги ўзгаришлар ҳолати. Қишлоқ хўжалиги журнали, АҚШ.
10. Трехлер, С. Ж. ва Ҳеинзе, К. Л. (2018). Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари томонидан заарқунандалар ва қишлоқ хўжалиги таълим мезонлари ҳақидаги илмий билимларни тушуниш. Қишлоқ хўжалиги таълими журнали, 245-250-бет, Буюк Британия.
11. Ф. М. Неуманн (ед.), Ҳақиқий муваффақият: интеллектуал сифат учун мактабларни қайта куриш, п. 21-48, Буюк Британия.
12. Сан-Франсиско, Калифорния: Жосси Басс. Трехлер, С.Ж. ва Ҳикава, Х. (2027). Бошланғич ва ўрта мактабларда қишлоқ хўжалиги ўқув дастурини ишлаб чиқиши: қишлоқ устав мактабида ўқитувчиларнинг агро-озиқ-овқат тизими ҳақидаги тасаввурлари ва агротизим манбаатдор томонларининг таълим бўйича таклифларини баҳолаш. Қишлоқ хўжалиги таълими журнали, 54-64-бетлар, Буюк Британия.
13. Трехлер, С. Ж., Жонсон, Т. ва Ҳеинзе, К. (2017). Бошланғич ва ўрта мактаб ўқитувчиларининг агро-озиқ-овқат тизими ҳақидаги тасаввурлари ва агротизим манбаатдор томонларининг таълим бўйича таклифларини баҳолаш. Қишлоқ хўжалиги таълими журнали, 30-38-бетлар, АҚШ
14. Винтер, А. А., Волк, Т. Л. ва Скроск, С. А. (2017). Муаммоли экологик таълим дастурини амалга оширишнинг 1-ийлида ўқитувчи томонидан қарор қабул қилиш: сифатли ўрганиш. Жоурнал оғ Енvironментал Едусатион, 27-33-бетлар Буюк Британия.
15. Фрик М., Биркенхолз. Р. ва Маҳтмес К. (2018). Қишлоқ ва шаҳарлардаги катталарнинг қишлоқ хўжалиги ҳақидаги билимлари ва тасаввурлари. Қишлоқ хўжалиги таълими журнали, п. 44-53., Буюк Британия.
16. Галл, Ж. П., Галл, М. Д. ва Борг, В. Р. (2016). Ўқув тадқиқотларини кўллаш: амалий қўлланма 156-160-бетлар. Нью-Ёрк: Лонгман.
17. Глесне, К. (2014–2018). Сифатли тадқиқотларга айланиш: Кириш. 234-238-бетлар. Ню-Ёрк: Лонгман.
18. Гроссман П., Веинберг С. & Беерс С. (2019). Кириш: мактаб дунёсида назария амалиёт билан учрашганда. С. Веинберг ва П. Гроссман (Ед.) фанлараро ўқув дастури: Амалга ошириш масалалари. 1-16-бетлар, Буюк Британия